

## IV. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК (БИЗНЕС)

2018 йилнинг январ-июнида 6068 та янги кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) ташкил қилинди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9,3 % кўп демакдир.

Энг кўп кичик корхона ва микрофирмалар савдо соҳасида (27,1 %), саноат тармоғида (20,0 %), қурилишда тармоғида (12,1 %), яшаш ва овқатланишда (8,3 %), ташиш ва сақлашда (5,2 %) ташкил этилган.

### 2018 йил январ-июнь ойларида янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши



2018 йилнинг январ–июнида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан:

– саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 11026,1 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 68,0 %) ёки 2017 йилнинг январ–июнига нисбатан ўсиш суръати

108,6 %ни ташкил қилди;

– 5140,4 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 51,2 %) ўзлаштирилди ва 2017 йилнинг январ–июнига нисбатан ўсиш суръати 126,9 %ни ташкил қилди;

– 2922,2 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 72,7 %) бажарилди ва 2017 йилнинг январ–июнига нисбатан ўсиш суръати 110,6 % ни ташкил қилди;

– 10633,8 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилиб (жами хизматлар ҳажмининг 49,9 %), 2017 йилнинг январ–июнига нисбатан ўсиш суръати 102,8 % ни ташкил қилди;

– чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 76,6 % ёки 10367,3 млрд. сўми (ўсиш суръати 2,2 % ни ташкил қилди) шакллантирилди;

– 317,8 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 22,5 %) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, бу эса 2017 йилга нисбатан 79,1 млн. АҚШ долларига ёки 33,1 % га кўп;


– автомобиль транспорти юк айланмасининг 5,7 %га (жами автомобил транспорти юк айланмасининг 71,1 %) кўпайиши таъминланди;

– йўловчи айланмасининг эса 2,7 % га (умумий йўловчи айланмасининг 77,0 %) кўпайиши таъминланди;


### Кичик тадбиркорликнинг улуши (умумий ҳажмига нисбатан % да)

Худудлар бўйича энг кўпроқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми Олмазор тумани (1570,9 млрд.сўм), Яшнобод тумани (1357,6 млрд.сўм) ва Сергели тумани (1352,8 млрд.сўм) ҳиссасига тўғри келади. Миробод туманида (493,6 млрд.сўм), Мирзо-Улуғбек (652,0 млрд.сўм) ва Яккасарой туманида (691,2 млрд.сўм) ушбу саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми паст бўлиб қолмоқда.

### 2018 йил январ-июнида худудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ва суръати




**2018 йил январ-июнида ҳудудлар бўйича кичик  
тадбиркорлик (бизнес)да чакана товар  
айланмаси ҳажми ва суръати**



Ҳудудлар бўйича кўпроқ чакана товар айланмаси ҳажми Шайхонтоҳур тумани (1686,0 млрд.сўм), Учтепа (1552,9 млрд.сўм), Бектемир (1451,9 млрд.сўм), Чилонзор (1351,9 млрд.сўм) ва Юнусобод (1210,2 млрд.сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

**2018 йил январ-июнида ҳудудлар бўйича кичик  
тадбиркорлик (бизнес)да хизматлар  
соҳаси ҳажми ва суръати**



Ҳудудлар бўйича кўпроқ хизматлар ҳажми Шайхонтоҳур туманида (1427,5 млрд.сўм), Юнусобод (1359,2 млрд.сўм) ва Чилонзор (1143,9 млрд.сўм), Мирзо-Улуғбек (1113,7 млрд.сўм) ва Миробод (1064,3 млрд.сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

**2018 йил январ-июнида кичик  
тадбиркорликнинг ҳудудлар бўйича улуши (% да)**

	<i>Саноат</i>	<i>Қурилиш</i>	<i>Хизматлар</i>
<b>Тошкент шаҳри</b>	<b>68,0</b>	<b>72,7</b>	<b>49,9</b>
<i>туманлар:</i>			
Олмазор	88,3	96,1	76,3
Бектемир	63,0	51,6	96,8
Мирзо-Улуғбек	31,8	67,3	60,7
Миробод	49,3	40,8	31
Сергели	81,4	99,2	45,1
Учтепа	89,6	89,7	86,5
Чилонзор	79,8	81,3	58,5
Шайхонтохур	49,7	35,9	60
Юнусобод	84,9	80,0	32,7
Яккасарой	86,2	98,0	65,9
Яшнобод	66,6	99,6	35

Ҳудудлар бўйича саноат соҳасининг юқори улушини Учтепа туманида (89,6 %), Олмазор туманида (88,3 %), Яккасарой туманида (86,2 %), Юнусобод туманида (84,9 %), Сергели туманида (81,4 %) ва Чилонзор туманида (79,8%) ташкил этади.

Қурилишда Яшнобод (99,6 %), Сергели (99,2 %), Яккасарой (98,0 %) Олмазор (96,1 %) ва Учтепа (89,7) туманлари ташкил этади.

Хизматлар соҳасида Бектемир (96,8 %), Учтепа (86,5 %) ва Олмазор (76,3 %) туманлари ташкил этади.


2018 йилнинг январ-июнида кичик тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 60,5 % ни ташкил қилди (2017 йилнинг январь-июнида 61,7 %). ЯИМ таркибида пасайиши йирик корхоналар улуши ошиши билан тушунтирилади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича 2018 йил II - чорак яқунларига кўра, янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарда танланма кузатувлар ўтказилди. Унда 190 дан ортиқ респондентлар иштирок этди.

Кузатув маълумлотлари таҳлили, қурилиш соҳасида респондентларнинг 0 % иқтисодий вазиятни – қулай ва 66,7 % эса қониқарли деб ҳисоблашини, мос равишда савдо соҳасида – 14,3 % ва 67,4 %, хизматлар соҳасида – 11,7 % ва 61,0 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 0 % ва 66,7 %, саноатда – 15,0 % ва 60,0 %ни ташкил қилганини кўрсатди.


Жорий иқтисодий вазиятга пессимистик руҳда ёндашганлар саноатда – 25 %, қурилишда – 33,3 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 33,3 %, хизматларда – 27,3 % ва савдода – 18,4 %ни ташкил қилди.

### Иқтисодий вазиятни баҳолаш 2018 йил II–чорак учун



**Иқтисодий вазият яхшиланиши** яқин уч ойда 52,5 % саноат корхоналари, 49 % – савдо, 39 % – хизматлар, 33,3 % – қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ва 57,1 % – қурилиш тармоғида кутилмоқда.

### Иқтисодий вазиятдаги ўзгаришлар истиқболини яқин уч ойда баҳолашни



Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, янги ташкил этилган кичик корхоналар ва микрофирмаларга бизнес муҳитини яхшилаш учун кўрилатган чора тadbирлар натижисида респондентлар яқин истиқболда умумий иқтисодий вазиятнинг яхшиланишини ижобий баҳолаётганлигини хулоса қилиш мумкин.